Бутун дунё пролетарлари, бирлашинг!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 3 (4973).

4 ЯНВАРЬ ЖУМА 1974 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ШУНГА АМИНКИ, СОВЕТ КИШИЛАРИ УМУМХАЛҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ БАЙРОҒИНИ ЯНАДА БАЛАНД КЎТАРАДИЛАР ВА ЎЗЛАРИНИНГ ФИДОКОРОНА, ЗАРБДОР МЕҲНАТЛАРИ БИЛАН 1974 ЙИЛГИ ПЛАН ТОПШИРИҚЛАРИ ВА СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИЛАР.

АЗИЗ ЎРТОҚЛАР, ВАТАНИМИЗНИНГ ҚУДРАТИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ, МАМЛАКАТИМИЗДА КОММУНИЗМ ҚУРИШ ЙЎЛИДА ЯНГИ МЕҲНАТ ҒАЛАБАЛАРИГА, МЕҲНАТДА ЯНАДА ЗЎР ЖАСОРАТ КЎРСАТИШГА ОТЛАНИНГИЗ!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПАРТИЯГА, СОВЕТ ХАЛҚИГА МУРОЖААТИ

Азиз ўртоқлар!

Партия Марказий Комитетининг Пленуми беш йиллик учинчи йилининг якунларини тўплади, янги йилги план лойиҳасини қараб чиқди ва маъқуллади. ССР Иттифоқи Олий Совети 1974 йилда халқ хўжалигини ривожлантириш давлат плани ва бюджет тўғрисидаги қонунларни қабул қилди.

Иқтисодий, социал ва маданий қурилишнинг навбатдаги вазифалари белгиланган ҳозирги пайтда КПСС Марказий Комитети партияга, совет халқига — коммунистлар ва комсомолларга, барча ишчиларга, колхозчиларга, саноат ва қишлоқ хўжлиги мутахассисларига, фан ва маданият арбобларига мурожаат қилиб, уларни беш йиллиқнинг тўртинчи йилини КПСС XXIV съездининг қарорларини бажариш соҳасида янгидан-янги муваффақиятлар билан нишонлашга даъват этади.

1973 йил совет халқининг қаҳрамонона ишлари йилномасига зарбдор меҳнат йили бўлиб киради. 1973 йилда меҳнат ғайрат-шижоати ғоят юксалди. Бу йил коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида буюк ва самарали иш қилинган йил бўлди.

1973 йилда жаҳон миқёсида муҳим ижобий силжишлар руй берди, ленинчи партиямизнинг, социалистик ватаннинг халқаро обрў-эътибори янада ўсди. Тинчлик программасининг ғоялари, КПССнинг қардош мамлакатлар билан мустаҳкам бирликда амалга ошираётган активи ташаббускор халқаро снёсати социалистик ҳамдўстликнинг жипслигини янада кўпроқ мустаҳкамлади, планетадаги бутун снёсий вазиятга яхши таъсир ўтказди. Халқаро муносабатларнинг тараққиётида кескинлик ва «совуқ уруш»дан кескинликни юмшатиш ва турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч ҳамкорлиги сари бурилиш руй берди.

Совет кишилари, бутун тараққийпарвар инсоният ленинчи партиямизнинг, КПСС Марказий Комитети Снёсий Бюросининг, Марказий Комитет Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг шахсан тинчлик ва халқлар хавфсизлиги ишига қўшган буюк ҳиссасига юксак баҳо бермоқдалар, КПСС билан Совет давлатининг тинчликсевар ташқи снёсатини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар ва маъқулламоқдалар.

Марказий Комитет ана шу мададга таяниб, халқларнинг хавфсизлиги ва ҳалқаро ҳамкорлик учун, тинчлик, озодлик ва социал тараққиёт ишининг тантанаси йўлида бундан буён ҳам зўр қатъият, собит қадамлик билан изчил кураш олиб бораверади.

Совет Иттифоқи ташқи снёсатининг эришган муваффақиятлари коммунистик қурилиш учун, совет халқининг тинч бунёдкор меҳнати учун халқаро майдонда қулай шарт-шароитларни вужудга келтиради.

Ўртоқлар!

1973 йилда эришилган муваффақиятларга тўлиқ баҳо бермоқ учун йилнинг боши қандай оғир келганлигини эсга туширайлик. 1972 йилдаги табиий офатлар қишлоқ хўжалигига катта зарар етказди, умуман экономикадаги аҳволни мушкуллаштириб юборди, беш йиллик планни бажариш йўлида, муайян қийинчиликларни вужудга келтирди. Шу муносабат билан 1973 йилнинг асосий план топшириқларини бажарибгина қолмай, балки уларни анча оширишга ҳам талаб этилди. Олдимизда ана шундай мураккаб вазифа турар эди. Совет кишилари бу вазифани бажармоқ учун кўп иш қилдилар ва кўп натижага эришдилар.

ИШЧИЛАР СИНФИНИНГ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРНИНГ ФАН БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ҚИЛГАН ФИДОКОРОНА МЕҲНАТИ СОВЕТ ИНДУСТРИЯСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАЪМИНЛАДИ. Саноат маҳсулоти ҳажми йиллик топшириқда белгиланган 5,8 процент ўрнига 7,3 процент ортди. Пландан ташқари 7 миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. 915 миллиард киловатт-соатдан зиёд электр энергия ҳосил қилинди, 420 миллион тонна нефть, 670 миллион тонна кўмир қазиб чиқарилди, 131 миллион тонна пўлат, 91 миллион тонна прокат, 72 миллион тонна минерал ўғит тайёрланди. Саноат ишлаб чиқариши ўсишнинг бешдан тўрт қисмидан кўпроғига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилганлигини таъкидлаб ўтишимиз муҳимдир. Юк обороти плани ошириб бажарилди.

Ишлаб чиқаришнинг техникавий даражаси ўсмоқда, ишлаб чиқариш технологияси ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш такомиллашиб бормоқда. Илғор фан ва техника-талабларига мос бўлиб тушадиган машина, ускуна, прибор ва материаллар кўпроқ ишлаб чиқарилмоқда.

БИНОКОРЛАР, МОНТАЖЧИЛАР ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХОДИМЛАРИНИНГ МЕҲНАТДАГИ КУЧ-ҒАЙРАТИ БИЛАН тўққизинчи беш йилликнинг кўпгина энг муҳим ишоотлари қурилди ва ишга туширилди. Узунлиги икки минг километрдан ҳам зиёд бўлган Самотлор-Альметьевск магистрал нефть қувури, «Азовсталь» металлургия заводининг қалин прокат стани, Орск-Халилово комбинатининг домна печи, «Уралкалий» комбинатида минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи комплекслар, Павлодар трактор заводида, Донецк ип-газлама комбинатида янги қувватлар, оқсил-витамин концентратлари ишлаб чиқарувчи Ново-Горьковский заводи ана шундай ишоотлар жумласиндандир. Бир йил ичида 90 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, янги корхоналар, цехлар, фермалар, мелиорация системалари ишга туширилди, уй-жой, мактаб, клуб, касалхона бинолари ва бошқа ишоотлар қурилди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ҚАҲРАМОНОНА МЕҲНАТИ ТУФАИЛИ КАТТА ҒАЛАБА ҚЎЛГА КИРИТИЛДИ. 1973 йил ҳақиқатан ҳам бутун халқнинг ғалла учун кураш йили бўлиб қолди. Бу курашда колхозчилар, совхоз ходимлари билан биргаликда саноат, қурилиш, транспорт ишчилари, Совет Армиясининг жангчилари, студентлар, шаҳар ва ишчи посёлкаларининг аҳолиси ҳам актив қатнашди.

Республикалар, ўлка ва областлар ҳар бир ишда бўлгани каби ўрим-йиғим техникаси, транспорт билан, механизатор кадрлар билан бир-бирларига қардошларча кўмаклашдилар. Меҳнаткашлар коллективларининг ташаббуси билан қишлоқ учун қўшимча равишда тракторлар, комбайнлар, транспорт воситалари, запас қисмлар тайёрланди, пландан ташқари бир миллион тоннадан ортиқ минерал ўғит ишлаб чиқарилди. Ишчилар синфи билан деҳқонлар бузилмас иттифоқининг қудратли кучи, халқларимизнинг улуғ дўстлиги бунда яна бир марта ўз ифодасини топди.

Бунинг натижасида рекордли ҳосил олинди. Ялпи дон ҳосили 222 миллион тоннадан ҳам ошиб кетди. Давлат омборларига 90 миллион тоннадан ошиқ, ёки 5,5 миллиард пуд ғалла тўкилди. Барча иттифоқдош республикалар дон харид қилиш юзасидан халқ хўжалик планини бажардилар.

Россия Федерациясининг қишлоқ меҳнаткашлари жуда катта ҳисса қўшдилар. Улар Ватанга 3 миллиард 180 миллион пуд дон бердилар. Украина деҳқонлари кўп ғалла етиштириб, халқимизни хурсанд қилдилар. Улар ўз ваъдаларини шараф билан бажардилар — давлатга бир миллиард пуддан зиёд дон сотдилар. Қозоғистон ўзининг қўриқ ерларидан йигирманчи марта яхши ҳосил етиштирди. Мамлакат бу республикадаги колхоз ва совхозлардан бир миллиард пуддан зиёд дон олди.

Мамлакатнинг пахтакорлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. 7,6 миллион тоннадан зиёд «оқ олтин» тайёрланди. Ўзбекистон колхоз ва совхозлари 4,9 миллион тонна, Туркманистон колхоз ва совхозлари бир миллион тоннадан зиёд пахта бершди. Картошка, сабзавот, чой барги ва деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотлари аввалги йиллардагидан кўпроқ йиғиштириб олинди ва тайёрланди.

Чорвачилик ходимлари зўр шижоат билан меҳнат қилдилар. Улар ўтган йилги қишлов шароити жуда мураккаб келишига қарамай молларнинг нобуд бўлишига йўл қўймадилар, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришни таъминладилар. Колхоз ва совхозларда ҳамма турдаги чорва мол ва паррандалар кўпайди. Чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш плани бажарилди.

ФАН ХОДИМЛАРИ, СОВЕТ ОЛИМЛАРИ ЯНГИ-ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШДИЛАР. Совет халқи уларнинг фидокорона ижодий меҳнатига юксак баҳо беради. Фан ютуқлари ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш ва интенсивлаштиришга ёрдам бермоқда, ишлаб чиқаришни ташкил этишни ва унинг технологиясини ўзгартирмоқда, фан-техникани ривожлантиришнинг янги йўллари ва имкониятларини очиб бериб, коммунизм қуриш ишига хизмат қилмоқда.

БИЗНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДА ХАЛҚ МЕҲНАТИ БИЛАН ВУЖУДГА КЕЛТИРИЛГАН НАРСАЛАРНИНГ ҲАММАСИ ХАЛҚНИКИДИР. Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўсиши совет кишиларининг фаровонлигини юксалтириш соҳасида бир қанча муҳим тадбирларни амалга оширишга имконият туғдирди. Аҳолининг реал даромадлари, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи, колхозчиларнинг меҳнат ҳақи кўпайди, ижтимоий истеъмол фондлари ортди. Беш йилликнинг уч йили мобайнида саҳни 320 миллион квадрат метрдан зиёд уй-жой қурилди ва фойдаланишга топширилди, 34 миллиондан ошиқ киши янги уйларга кўчиб ўтди. Халқ маорифи системасини такомиллаштириш чоралари амалга оширилди, медицина хизмати тобора яхшиланмоқда, маиший хизмат турлари кўпайиб бормоқда, халқ истеъмоли молларини сотиш орта борди, бу молларнинг сифати яхшиланмоқда. Совет кишилари ўзларининг меҳнат ва турмуш шароитлари яхшиланиб бораётганлигини кўриб турибдилар.

Беш йилликнинг учинчи йилида иқтисодий ва маданий қурилиш соҳасида эришилган муваффақиятлар социалистик тузумнинг шубҳасиз афзалликлари ва хаётий кучини исбот этувчи янги далилдир, бу муваффақиятлар бутун совет халқи бунёдкорлик меҳнатининг натижаси, ленинчи партиямиз кўп қиррали фаолиятининг, советлар, касаба союзлари, комсомол зўр ғайрат билан бажарган ишларининг самарасидир.

АЗИЗ ЎРТОҚЛАР, ҲОЗИРГИ КУНДА ҚЎЛГА КИРИТИЛГАН МУВАФФАҚИЯТЛАРНИНГ ҲАММАСИ ҲАҚИҚАТАН ҲАМ ОЛТИН ҚЎЛЛАРИНГИЗ БИЛАН ҚИЛИНГАН ИШЛАРНИНГ, АҚЛ-ИДРОКИНГИЗ ВА ИЖОДИЙ ҒАЙРАТ ШИЖОАТИНГИЗНИНГ САМАРАСИДИР. Совет кишилари шахта забойларида ва нефть қудуқларида, прокат станлари ёнида, фабрика ва заводларда, институт ва лабораторияларда, дала ва фермаларда — ҳар бир шаҳар ва қишлоқда план топшириқларини, олинган мажбуриятларни ва муқобил планларни бажариш соҳасида фидокорона меҳнат қилиб, социалистик Ватаннинг қудратини мустаҳкамладилар.

Социалистик мусобақанинг қудратли тўлқинида янги ажойиб ташаббуслар вужудга келди, минг-мингглаб зарбдорлар ва меҳнат қаҳрамонлари ўсиб етишди. Халқимиз уларни ҳақли суратда новаторлар, илғорлар деб атайди. Улар янги техникани эгаллаган кишилар бўлиб ғоят унумли ишлаш намунасини кўрсатмоқдалар, ўз ибратлари билан иш нормаси ҳақидаги, ишлаб чиқаришни ташкил этиш формалари ва методлари тўғрисидаги эскириб қолган тасаввурларга барҳам бермоқдалар. Уларнинг қўлга киритган муваффақиятлари бунёдкорлик меҳнатида янги зафарларга ва оммавий қаҳрамонликка илҳомлантрувчи манбадир.

Партия ва Совет ҳукумати мамлакатимиздаги илғор коллективларнинг, энг яхши кишиларнинг хизматига юксак баҳо бердилар. Саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт илғорларининг катта бир группаси орден ва медаллар билан мукофотланди, уларнинг кўпида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Ажойиб меҳнаткашларимизга шон-шарафлар бўлсин!

Мамлакат ишлаб чиқариш новаторларининг ва илғор коллективларнинг ғалабалари билан ҳақли суратда фахрланади. Шу билан бирга биз муваффақиятларга муносиб баҳо берган ҳолда эришилган ютуқлар билан хотиржам бўла олмаймиз. Шу нарсани очиқ айтиб ўтиш керакки, хўжаликни ривожлантиришда ҳали бир қанча камчиликлар ва ҳал этилмаган проблемалар бор. План топшириқларини бажармаётган корхоналар, қурилишлар, колхозлар ва совхозлар оз эмас. Бу ҳол шундай қолоқликка йўл қўяётган корхоналар, қурилишлар, колхоз ва совхозларнинг хўжалик юритиш кўрсаткичларини пасайтирибгина қолмай, шу билан бирга неча ўнлаб ва ҳатто неча юзлаб бошқа ёндош коллективларнинг ишига ҳам халақит беради, бутун-бутун соҳаларнинг ишига салбий таъсир кўрсатади. Хом ашё ва материалларнинг нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда, меҳнат интизомининг бузилишига чек қўйилган эмас, ишчи кучлар орасида ҳали ҳам катта қўнимсизлик бор. Ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва ўзлаштириш кўпинча пайсалга солинмоқда, фан ва техниканинг энг янги ютуқларидан етарли даражада фойдаланилмаётир. Бинобарин, бизда қолоқ корхона ва участкалар бўлмаслиги учун барча меҳнат коллективларининг ишини социалистик хўжалик юритишнинг яни, янада юксак даражасига кўтариш учун ҳали кўп иш қилмоғимиз керак.

Азиз ўртоқлар!

1973 йилнинг ижобий якунлари беш йилликнинг тўртинчи йилида янада зўр ғайрат билан ишлаш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтиради. Биз экономикани юксак суръатлар билан ўстиришни таъминлашимиз, ишдаги барча сифат кўрсаткичларини тубдан яхшилашимиз, меҳнат унумдорлигини ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишимиз лозим.

1974 ИЙЛ ПЛАНИНИ ТЎЛА ВА ОШИРИБ БАЖАРИШ ШУ БЕШ ЙИЛЛИКНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАШ УЧУН АНИҚЛОВЧИ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛИБГИНА ҚОЛМАЙ, БАЛКИ КЕЛГУСИ БЕШ ЙИЛЛИКДА ИҚТИСОДИЙ ПОТЕНЦИАЛНИ ЯНАДА ОШИРИШ ВА ХАЛҚНИНГ МОДДИЙ ФАРОВОНЛИГИНИ ВА МАДАНИЙ САВИЯСИНИ ТОБОРА ЮКСАЛТИРИШ УЧУН МУСТАҲКАМ НЕГИЗ ЯРАТИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ ҲАМ БЎЛАДИ.

1974 йилда миллий даромадни 20 миллиард сўм, саноат ишлаб чиқариши ҳажмини эса, қариб 31 миллиард сўм, ёки 1973 йилдагига нисбатан 6,8 процент ошириш мўлжалланади. Абсолют кўрсаткичларни эътиборга олганда, бу — беш йиллиқнинг дастлабки уч йили мобайнида ўртача йиллик ўсишдан ортиқдир. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ҳажмини 7 миллиард сўмлик, ёки 7,3 процент миқдорда кўпайтириш планлаштирилган. Миллий даромад ўсишининг 87 процентига ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришмоқ керак.

Меҳнаткашларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари тўлароқ қондирилади, миллионларча кишиларнинг уй-жой шароити яхшиланади. Фан, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, шунингдек аҳолига маданий ва маиший хизмат кўрсатишнинг ҳамма соҳалари тобора ривожланади. Халқ истеъмол қиладиган молларни ишлаб чиқариш анча кенгайтирилади.

Давлат планининг 1974 йил учун қабул қилинган топшириқлари тиғиз ва жуда ҳам масъулиятлидир. Аммо энг батафсил план ҳам социалистик экономикада мавжуд бўлган ва ишга ижодий ёндошиш, ҳар бир коллективнинг, ҳар бир ходимнинг ташаббусини кенг ривожлантириш, уларнинг ташкилий ишларини ошириш йўли билан қўшимча равишда топилиши ва фойдаланилиши мумкин бўлган жуда кўп резервларнинг ҳаммасини ҳисобга ололмайди.

Биз эртага бугунгидан яхшироқ ишлайдиган бўлсак, у ҳолда бизнинг планларимиз бажарилибгина қолмай, балки ошириб бажариладиган ҳам. Йилнинг биринчи кунлариданоқ пухта ва ташкилий ишлар олиб бориб, смена, ойлик ва квартал план топшириқларини тўла ва ошириб бажариш — ҳар бир коллектив, ҳар бир ходим учун қонун бўлиб қолмоғи керак.

КПСС Марказий Комитети бутун партияга, бутун совет халқига мурожаат қилиб, уларни 1974 йилда КПСС XXIV съезднинг қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун курашда меҳнат ғайрат-шижоатини оширишга, КАМ ЧИҚИМ ҚИЛИБ КЎПРОҚ, ЯХШИ, СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШЛИК, деган шиор остида план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдиришга даъват этади.

Ҳозирги вақтда мамлакатда илғор корхоналарнинг ташаббуси билан мўқобил планларни қабул қилиш ҳаракати кенгайиб бормоқда. КПСС Марказий Комитети бу ташаббусга жуда катта аҳамият беради. Ҳар бир меҳнат коллективида ички резервларни сафарбар қилиш негизида маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш мумкин.

КПСС Марказий Комитети халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги ходимларни социалистик мусобақада МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ЖАДАЛ ОШИРИШГА, ИЖТИМОИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА алоҳида эътибор беришга даъват этади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун кураш — энг янги техникани, прогрессив технология жараёнларини ва лойиҳа ечимларини ҳамма жойда зўр ғайрат билан жорий қилиш демакдир. Институтларда, конструкторлик бюроларида, заводларда, колхоз ва совхозларда яратиладиган янгиликларнинг ҳаммаси, новаторлар ва ихтирочилар вужудга келтирадиган нарсаларнинг ҳаммаси ижтимоий ишлаб чиқаришга тез татбиқ этилиши керак. Совет корхоналарининг маҳсулоти ўз сифати ва техникавий даражаси жиҳатидан чет эллардаги энг яхши нусхалардан қолишмай, балки ўзиб ҳам кетиши керак.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун кураш — ишлаб турган агрегатлар, машина ва механизмлардан энг кўп фойдаланиш, уларнинг бекор туришини кескин суратда қисқартириш, иш вақтининг ҳар бир соати, ҳар бир минутини ғанимат билиш, меҳнат интизомини доим мустаҳкамлаб бориш демакдир.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун кураш — янги корхоналарнинг лойиҳада белгиланган қувватларини тездан ишга солиш ва ўзлаштириш, уларнинг берадиган самарасини ошириш демакдир.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун кураш — маҳсулотнинг таннархини камайтириб, маҳсулотга материал сарфланишини қисқартириш, тежамкорликка қаттиқ риоя қилиш, материалларни, хусусан металл, ёқилғи, энергияни, капитал маблағларнинг ҳар бир сўмини тежаб-тергаб ва тадбиркорлик билан сарфлаш, тежалган моддий ресурслар ҳисобига пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эришиш демакдир.

Олдимизда турган вазифаларни ҳал этмоқ учун экономикага раҳбарлиқ соҳасидаги ҳамма ишни юксакроқ даражага кўтариш талаб этилади. Министрликлар ва идоралар, план органлари, таъминот ва молия органлари меҳнаткашларнинг мўқобил планларини, ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларни бажаришлари учун ҳамма зарур шарт-шароитларни вужудга келтиришлари керак. Улар бошқариш системасини яхшилашни, планлаштиришни ва меҳнатни ташкил этишни ҳамда ишлаб чиқаришнинг барча звеноларида ишлаб чиқаришни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни такомиллаштиришни таъминлашлари лозим.

Экономикани бошқаришга меҳнаткашларни янада кенгроқ жалб этиш, кадрлар олдига қўйиладиган масъулият ва талабчанликни ошириш — ишда муваффақият қозонишга ёрдам беради.

Ўртоқлар!

Биз ҳозирги кунда қўлга киритган ва эртаги кунда эришиладиган ютуқларнинг ҳаммаси ўзимизга, ҳар бир совет кишисининг ижодий ишлаш маҳоратига, юксак онглилигига, профессионал тайёргарлигига, масъулият тўйғусига ва интизомига боғлиқдир.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИШОНЧ БИЛДИРИБ АЙТАДИКИ, СОВЕТ ЖАМИЯТИНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ БЎЛГАН ҚАҲРАМОН ИШЧИЛАР СИНФИ, ИНЖЕНЕРЛАР, ТЕХНИКЛАР ВА КОНСТРУКТОРЛАР, ИНДУСТРИЯНИНГ БАРЧА ХОДИМЛАРИ бундан буён ҳам белгиланган планларни муддатидан илгари бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасининг олдинги сафларида борадилар, ўз кучлари, билим ва тажрибаларини конкрет ишларда рўёбга чиқариб, ҳар қачон гидек юксак онглилик, уюшқоқлилик ва ишчанлик намуналарини кўрсатадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ШУНГА АМИНДИРКИ, БИЗНИНГ ШОНЛИ КОЛХОЗЧИ-ДЕҲҚОНЛАРИМИЗ, СОВХОЗЛАРНИНГ ХОДИМЛАРИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МУТАХАССИСЛАРИ эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлайдилар ва 1974 йилда мўл ҳосил олиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириб, Ватанимизни қувватлайдилар; ҳар гектар ердан, ҳар бир машинадан, мол озуқасининг ҳар бир центнеридан, ўғитларнинг ҳар бир тоннасидан энг самарали фойдаланадилар; қишлоқ хўжалигини янада интенсивлаштириш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш йўлида ишчилар синфи билан биргаликда олға қараб янги қадам қўядилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИШОНЧ БИЛДИРИБ АЙТАДИКИ, БИЗНИНГ СОВЕТ ЗИЁЛИЛАРИМИЗ янада зўр ғайрат-шижоат билан фан, техника ва маданиятни ривожлантирадилар, илмий ишларнинг самарадорлигини оширишга, энг муҳим илмий-техникавий ютуқларни халқ хўжалигига тезроқ жорий қилишга, совет кишиларининг ҳаётини сермазмун қиладиган маънавий неъматларни вужудга келтиришга эришадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ШУНГА АМИНДИРКИ, ўзларининг фидокорона меҳнати ва болаларни тарбиялаш борасидаги доимий ғамхўрлиги билан жамоатчиликнинг юксак эъзозига сазовор бўлган СОВЕТ АЁЛЛАРИ беш йиллик тўртинчи йили планларини муваффақиятли бажариш йўлидаги умумхалқ курашига салмоқли ҳиссаларини қўшадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИШОНЧ БИЛДИРИБ АЙТАДИКИ, БИЗНИНГ АЖОИБ ЕШЛАРИМИЗ Ленин васиятларига, Коммунистик партия ишига садоқатларини янада зўр куч билан намойиш қиладилар, беш йиллиқнинг тўртинчи йилини зарбдор меҳнат ва аъло ўқиш билан нишонлайдилар. Ватан ёш авлодга, унинг меҳнатсеварлиги, сабот-матонати ва фидокорлигига ишонади!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИГА, БАРЧА КОММУНИСТЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИБ, уларни совет кишиларининг беш йиллик тўртинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш йўлидаги қудратли ҳаракатига бошчилик қилишга, тўпланган тажрибадан тўла фойдаланишга, ўз фаолиятини такомиллаштиришга, доим олдинги сафларда бориб, мушкулроқ жойларда ишлашга, ўз билими ва қобилиятларини халққа, халқ манфаатлари ва бахти учун курашга бағишлашга даъват этади! Советлар, касаба союзлари ва комсомол билан биргаликда олдимизда турган вазифаларни амалий ҳал этиш учун зўр ғайрат билан ишга киришингиз, кенг кўламдаги ташкилотчилик, снёсий ва ғоявий-тарбия ишлари билан шу йилги хўжалик планларининг пухта бажарилишини таъминланглиз. Энг яхши коллективлар, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, мусобақа голибларини бутун халқ иззат ва ҳурмат қилиши, улар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиши лозим.

Олдимизда кўпгина мураккаб ва масъулиятли ишлар турибди. Ленин партияси мақсадга эришиш йўлидаги ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга қодир халқимизнинг буюк ижодий куч-ғайратига астойдил ишонади. Бизнинг мақсадларимиз эса, Ватанни гуллатиб-яшнатиш, барча совет кишиларининг фаровон ва бахтли бўлишини кўзда тутган олижаноб ва инсонпарвар мақсадлардир.

Биз қўлга киритадиган янги социал ва иқтисодий муваффақиятлар жуда катта интернационал аҳамиятга молик бўлиб, социализмнинг жозиба кучини янада оширади, Советлар мамлакатининг халқаро майдондаги обрў ва нуфузини янада оширишга ёрдам беради. Коммунистик жамиятни муваффақиятли суратда барпо этиш — совет халқининг социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлаш, тинчлик ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш ишига, инсониятнинг социал тараққиётига қўшадиган муносиб ҳиссаси бўлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ШУНГА АМИНКИ, совет кишилари умумхалқ социалистик мусобақаси байроғини янада баланд кўтарадилар ва ўзларининг фидокорона, зарбдор меҳнатлари билан 1974 йилги план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларнинг муддатидан илгари бажарилишини таъминлайдилар.

Азиз ўртоқлар, Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда коммунизм қуриш йўлида янги меҳнат ғалабаларига, меҳнатда янада зўр жасорат кўрсатишга отланингиз!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“ ВА ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИНИНГ СУҲБАТ ДАВРАСИ

МУҚОБИЛ ПЛАН—КОЛЛЕКТИВ ИЖОДИ

Мамлакатимизда муқобил планлар ишлаб чиқиш ҳаракатини Москвадаги ва Ивановодаги қатор корхоналар коллективлари бошлаб беришди. Бу ташаббус областимиз коллективларида ҳам қизғин қўллаб-қувватланди. Ҳозир ўнлаб саноат корхоналари муқобил план-мажбурият асосида ишламоқдалар. Ўтган йили муқобил план асосида ишлаган «Узбекхиммаш» ва «Миконд» заводлари коллективларининг ташаббусини Ўзбекистон КП Марказий Комитети маъқуллади. Бу эса шу ҳаракатнинг янада ривожланишига ёрдам берди.

Яқинда касаба союзлари область Совети, «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари биргаликда ўтказган «Суҳбат давраси» муқобил планлар мажбуриятларни ишлаб чиқиш масалаларига бағишланди. Унда қатор корхоналар коллективларининг вакиллари муқобил план асосида ишлашнинг дастлабки натижалари ҳамда уни янада ривожлантириш билан боғлиқ бўлган вазифалар ҳақида гапирдилар. Қуйида ана шу нутқлар қисқартирилган ҳолда берилмоқда.

«Суҳбат давраси» кенгашида Тошкент область партия комитети секретари Н. И. Малихин, облсовпроф раиси А. В. Бранлов ўртоқлар иштирок этдилар.

РЕЗЕРВЛАР—КАТТА МАНБА

О. М. РОГОЗА,
«Узбекхиммаш» заводи директорининг ўринбосари.

Тўққизинчи беш йилликнинг контроль рақамларида коллективимиз зиммасига маҳсулот ишлаб чиқаришни 43 процент, меҳнат унумдорлигини 45,3 процент оширишни таъминлаш вазифаси юклатилган. Ишчи-хизматчиларимиз беш йиллик план ва социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш учун ишлаб чиқаришнинг ички резервларни қидириб топиш ва улардан фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқда.

Аниқланган резервлар асосида коллективни беш йиллик мобайнида социал ривожлантириш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, техника тараққиётини жадаллаштириш комплекс плани ишлаб чиқилди.

Ана шу план асосида тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки икки йилида 187 та тадбир амалга оширилди ва бундан 1,23 миллион сўмлик иқтисодий самара кўрилди. Шу даврда белгиланганидан ташқари 171 минг сўмлик фойда олинди, меҳнат унумдорлиги топшириқдаги 21,7 процент ўрнига 23 процент кўпайди. Маҳсулот тайёрлашни кўпайтиришнинг 95 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига эришилди.

Ана шундай мустаҳкам асос яратган заводимиз коллективи 1973 йил учун муқобил план қабул қилди. Унда контроль рақамлардагига нисбатан ялпи маҳсулот тайёрлашни 400 минг сўмлик кўпайтириш назарда тутилди. Ҳал қилувчи йил учун белгиланган муқобил план топшириқлари шараф билан адо этилди.

Беш йиллик бўйича белгиланган комплекс планда ишлаб чиқилган чораларни амалга ошираётган коллективимиз 1974 йил учун ҳам муқобил план-мажбурият қабул қилди. Йил давомида топширилгандан ташқари 400 минг сўмлик, шу жумладан Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейигача 250 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

ДАВР ТАҚОЗОСИ

Р. И. ҚОДИРАЛИЕВ,
«Миконд» заводининг бош иқтисодчиси

Бошқа корхоналардаги каби бизнинг заводда ҳам муқобил план ўтган йили жорий қилинди. Унинг туғилиш тарихи қуйидагича бўлди. 5-цех ишчиси партгруппорг Анна Николаевна Ершова яроқли буюмлар чиқариш процентини ошириш ва уларни тайёрлашни кўпайтириш ташаббуси билан чиқди.

Шундан сўнг коллективнинг муқобил плани тузилди ва қабул қилинди. Унда 1973 йил давлат планини ишлаб чиқариш ҳажми бўйича юзларча минг сўмлик кўпайтириш, паррандачилик фабрикалари учун кондиционерлар тайёрлашни 27 процент, хрусталдан навли идишлар тайёрлашни 20 процент кўпайтириш, 1 миллион сўмликдан кўпроқ материалларни тежаб қолиш режалари тузилди.

Доигдор ишчи А. Н. Ершова ташаббусини оммалаштириш ҳамда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида завод коллективи қўшимча юзларча минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича муқобил плани олти ойдаёқ бажариб қўйди.

Заводимиз коллективи 1974 йил учун ҳам муқобил плани ишлаб чиқди ва қабул қилди. Унда дастлаб белгиланган пландагидан анча кўп маҳсулот ишлаб чиқариш назарда тутилади.

МЕҲНАТКАШЛАР ТАШАББУСИГА ТАЯНИБ

Л. В. ЕСИПОВА,
Чирчиқ трансформатор заводи касаба союз комитетининг раиси

Коллективимиз тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йили учун олган муқобил план-мажбуриятни барвақт дўндириб қўйди. Ўтган йилнинг ўн бир ойи мобайнидаёқ пландагидан ташқари 1308 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ёки топшириқ 103,7 процент қилиб адо этилди. Меҳнат унумдорлиги пландагига нисбатан 4,2 процент, 1972 йилнинг шу давридагидан эса 13,5 процент ошди.

20 цех, 19 бўлим, 83 бригада, 90 мастер ва 1300 дан ортиқ ишчи беш йиллик топшириғини барвақт бажариш учун курашмоқда. Ўртоқ И. Сулаймонов бошчилигидаги токарлар бригадаси ва фрезерчи Г. Исимбитовларнинг меҳнат календарида 1976 йилнинг март ойи бошланди. 50 га яқин ишчи 1975 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Бу мусобақа етакчилари коллективимиз меҳнат зафарларининг самарали бўлишига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Ҳал қилувчи йил зарбдор вахтасини тўққизинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида давом эттиришга қарор қилинди. Бу йил учун муқобил план-мажбурият қабул қилинди. Унда саноат маҳсулоти тайёрлашни 1 миллион сўмга кўпайтириш назарда тутилади.

Муқобил планни бажариш учун меҳнат унумдорлиги ўтган йилдагига қараганда 15 процент оширилади. Қатор янги техника воситалари, илғор технология жорий қилинади. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш яхшиланади, социалистик мусобақа кўлами янада кенгайтирилади.

1976 ЙИЛ ҲИСОБИГА

А. С. ВЕРЗИЛИНА,
Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси

Корхонамиздаги кўпчилик ҳамкасбларим қатори мен ҳам Лидия Павловна Казанцева ва Евгения Александровна Губина ташаббусига қўшилиб ишламоқдаман.

Мен беш йиллик шахсий топшириқни барвақт бажаришга аҳд қилганимдан сўнг, унинг уддасидан чиқишга астойдил ҳаракат қилдим. Бошқараётган станокларим сонини кўпайтирдим. Уларнинг смена давомида тўхтаб туришини камайтиришга эришдим, дастгоҳлар қаровини яхшиладим.

Шу сабабли беш йиллик шахсий нормамни 1973 йилнинг 14 ноябридаёқ адо этишга муваффақ бўлдим. Тўққизинчи беш йиллик бошидан буён қўшимча 46 минг метр газлама тўқидим. Шу билан чексиз маҳрурланаманки, қўлимдан чиққан барча газламалар аъло сифат билан қабул қилинди.

Яқинда шахсий яна бир муқобил план белгиладим. Ўз имкониятларимни ҳисоблаб чиқиб, беш йиллик охиригача ҳами билан яна уч ярим йиллик иш программасини бажаришга қарор қилдим. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейи шарафига 1974 йил планини барвақт бажариш мажбуриятини олганман. Қўшимча 100 минг метр сифатли газлама ишлаб чиқариш ниятим бор. Бу миқдордаги газламадан 35 минг аёлга етадиган кўйлак ва костюмлар тикиш мумкин.

НОТ САМАРАСИНИ ОШИРАМИЗ

Ю. А. КИРДЯШКИН,
«Ўртоқ» кондитер фабрикасининг инженери

Беш йиллик топшириқларни барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича знёдаси билан адо этишга астойдил бел боғлаган коллективимиз ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, 1974 йил планини барвақт бажариш режаларини тузди. Қабул қилинган муқобил план-мажбуриятда фаолиятимизнинг асосий кўрсаткичларини давлат планидагига қараганда анча кўпайтиришни назарда тутяпмиз.

Йиллик маҳсулот реализация қилиш планини 1974 йилнинг 27 декабригача бажариш ва қўшимча 130 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш режасини туздик. Меҳнат унумдорлиги белгиланганига нисбатан бир ярим процент ортади, 30 минг сўмлик қўшимча фойда олинади, 2 тонна хом ашё ва материаллар, 100 минг киловатт-соат электр энергияси, шартли 100 тонна ёқилғи тежаб қолинади.

Зиммага олинган ана шу мажбуриятларни шараф билан бажарилишини таъминлаш учун барча имкониятлардан фойдаланиш назарда тутилмоқда. Меҳнатни илмий ташкил этиш кенгаши ҳам ўз фаолиятини ана шунга қаратмоқда. Кенгаш томонидан 63 та тадбирни ўз ичига олган план ишлаб чиқилди. Уни амалга ошириш 38 минг сўмлик иқтисодий самара беради.

НОТ кенгаши белгилаган бу тадбирлар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ҳар бир цех, смена, бригада ва иш жойида фойдаланилмаётган резервларни қидириб топиш, ишлаб чиқариш жараёнларининг механизация даражасини ошириш, қўл меҳнати сарфини камайтиришга қаратилган. Ширинликларни ўрайдиган машиналарни бошқаришда кўп станоқчилик жорий қилинади.

Коллективимиз муқобил план-мажбуриятни шараф билан бажариш имконини берадиган барча омиллардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилади.

ЗАРБДОР ОТРЯДЛАР

М. ХУЖАЕВ,
Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти область Советининг раиси

Рационализаторлар ва ихтирочилар умумхалқ социалистик мусобақасининг илғор ва зарбдор отрядларидан биридир. Янгилик изловчиларининг белгиланган режалари халқ хўжалигини ривожлантириш планларини муддатидан илгари ва сифатли бажаришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам сўнгги вақтда областимизда бу ватанпарварлик ҳаракати янада кенгайди, унинг иштирокчилари сафи кўпайди, тушган таклифлар ва ихтироларнинг иқтисодий самараси яхшиланди.

Тўққизинчи беш йилликнинг ўтган икки ярим йили мобайнида 50 мингдан ортиқ рационализаторлик таклифлари қабул қилинди. Уларнинг асосий кўпчилиги жорий қилинди ва бундан пландаги 54858 минг сўм ўрнига 75743 минг сўм жамғарма олинди. Рационализаторлик таклифи билан чиққан авторлар сони 1973 йилнинг биринчи ярмида аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 9 процент, тушган таклифлар эса 15 процент, олинган иқтисодий самара 20 процент кўпайди. «Узбекхиммаш», электрон-техника, заводлари, «Узэлектромонтаж», «Алмаликсванецстрой» қурилиш трестлари, «Ташсельмаш» заводи коллективи ижодкорлари самарали изланиш олиб бордилар.

Областимиз саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг рационализатор ҳамда ихтирочилари бундан буён ҳам ижодий изланишни тинмай кучайтирадилар. Ўзларининг қимматли таклифлари билан техника тараққиётини жадаллаштиришдек олижаноб ишга муносиб ҳисса қўшадилар.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИНГ ЯНГИ ФОРМАСИ

Б. А. ШЕРЕМЕТЬЕВСКИЙ
Оҳангарон цемент комбинатининг бош инженери.

Оҳангарон цемент комбинати коллективи ҳам КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини муваффақиятли амалга ошириб, тўққизинчи беш йилликнинг тўртинчи йили учун муқобил плани қабул қилди.

Коллективимиз йил давомида пландагидан ташқари 230 минг сўмлик маҳсулот реализация қилади. Қўшимча 11 минг тонна цемент, шартли 1 миллион 600 минг плита шифер, шартли 5 километр асбоцемент қувурлари, 2 минг кубометр минерал пахта буюмлари ишлаб чиқарилади. Меҳнат унумдорлигини 4,6 процент ошириш, ҳар бир сўмлик товар маҳсулоти тайёрлаш учун ҳаражатларни 0,2 процент камайтириш ва пландагидан ташқари 35 минг сўмлик фойда олиш мўлжалланади.

Бундай юксак меҳнат кўрсаткичларига қатор ташкилий-техникавий тадбирларни амалга ошириш эвазига эришмоқчимиз. Клинкер қуйдириш цехидаги 2 та айланувчи печь анча такомиллаштирилади. Клинкерни қуйдириш жараёнини автоматик бошқариш системаси жорий қилинади. Шифер ишлаб чиқариш цехида янги автомашлашган линиялар фойдаланишга топширилади. Натижада маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш вазифаси бажарилибгина қолмай, бу жараёнда қўл меҳнатидан фойдаланишга хотима берилади. Асбоцемент қувурлари ишлаб чиқаришда ҳам қатор техник янгиликлар қўлланила бошланади.

Коллективимиз ҳал қилувчи йил планини шараф билан адо этди. Қўшимча кўп миқдорда цемент, шифер, ҳаммаси бўлиб 1 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бу билан 1974 йил юксак вазифаларини муваффақиятли бажариш учун замин яратилди.

ҲЎЖАЛИКНИ БОШҚАРИШНИ ЎРГАНАЙЛИК

И. М. ШУБЛАДЗЕ,
Қуйи Чирчиқ районидаги «Москва» колхозининг раиси

Колхозимиз 1970 йилдан бери ривожлантириш планига эга.

Сўнгги йилларда колхоз ишлаб чиқаришини планлаштиришни такомиллаштириш бўйича қўрилган тадбирлар хўжаликлар экономикасини мустаҳкамлаш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг даражасини кескин ошириш имконини бермоқда.

Тўққизинчи беш йилликнинг ўтган уч йили биз учун камолот сари одим ташлаш йиллари бўлди. Айниқса, унинг ҳал қилувчи учинчи йили муваффақиятли якунланди. Белгиланган муқобил планни бажариш учун социалистик мусобақани авж олдирган коллективимиз ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларини анча юксалтирди. Колхозимиз тарихида биринчи марта ҳар гектар ердан 41 центердан пахта ҳосили олинди. Давлатга пландагидан ташқари 763 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Канап, сабзавот, ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш ва ҳосилдорлиги бўйича, давлатга чорвачилик маҳсулотларини сотиш топшириқлари ортиғи билан адо этилди.

Ўтган уч йилда меҳнат унумдорлиги 22 процент, рентабеллилик даражаси деярли тўққиз процент ошди. Колхознинг даромади салкам 2 миллион сўмни ташкил этди. Ҳар бир колхозчининг ўртача йиллик маоши 1555 сўмга етди. Шу йилларда 60 та уй-жой, мактаб қурилди, 5 километр узунликда газ тармоғи ишга туширилди. Водопровод қурилиши тугалланди.

Хўжалигимиз меҳнаткашлари келгуси йилда ҳар гектар ердан олинадиган пахта ҳосилини 43 центнерга етказиш режаларини тузишмоқда. Натижада пахта етиштириш беш йиллик плани тўрт йилда бажарилади.

РЕНТАБЕЛЛИЛИК—МУҲИМ ОМИЛ

Н. Ф. ЮН,
«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг бош бухгалтери.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотишнинг муқобил плани белгиланган қатъий план қатори хўжаликларга истиқболни яхши билиш ва ишлаб чиқаришни оқилона ривожлантириш, унинг ихтисослашиши ва марказлашишига ёрдам беради.

Давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини пландан ташқари сотишнинг амалдаги иқтисодий рағбатлантириш системалари қишлоқ хўжалик экинлари ва чорвачилик маҳсулдорлигини анча ошириш имконини бермоқда. Хўжаликлар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш ҳажмининг муттасил ошириб борилиши ва давлат томонидан кўрсатилаётган катта ёрдам колхоз ва совхозларда қайта ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва ишчи-деҳқонларнинг ўз меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлигини оширишни таъминламоқда. Буни бизнинг совхозимиз мисолида ҳам яққол кўрса бўлади.

Пахтачилик хўжалигимизнинг етакчи тармоғи ҳисобланади. У сўнгги йилларда кескин ривожланди. Бу экин учун ажратилган ер майдони анча камайтирилганига қарамай ҳосилдорлик ортди. Агар 1969 йилда ҳар гектар ердан олинган пахта ҳосили 28 центнерни ташкил этган бўлса, ўтган йили у 40,2 центнерга етди. Ялпи пахта ҳосили етиштириш шу йиллар давомида 29,2 процент кўпайди.

Тўққизинчи беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида давлатга пахта, сут, гўшт, сотиш планлари, ҳар бир ишловчи ҳисобига маҳсулот етиштириш, план бўйича фойда олиш, рентабеллилик кўрсаткичлари белгиланганига нисбатан анча юқори бўлди.

Совхозимизда бир вақтлар чорвачилик зарар келтирадиган тармоқ эди. Эндиликда у рентабель соҳага айланди. Биргина 1972 йилда чорвачиликдан 244 минг сўмлик фойда олинди. Бунга биз чорвачиликнинг ем-хашак базасини кенгайтириш эвазига эришдик. Шу туфайли ҳам давлатга сут сотиш 1969 йилдагига нисбатан 35 процент, гўшт сотиш 39 процент кўпайди.

Кўплаб миқдорда фойда олаётган хўжалигимиз анчагина маблағни ходимларни моддий рағбатлантириш ва коллективни социал ривожлантириш мақсадларига ажратмоқда. Бу эса ўз навбатида меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилянти.

Суратда «Суҳбат давраси» иштирокчиларини кўриб турибсиз. А. Мальцев фотоси.

Халқ назоратчилари ҳисоботи

ИЗЧИЛЛИК ВА САМАРА

«Бўка» совхози меҳнаткашлари беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида салмоқли ютуқларни қўлга киритдилар. Бунда халқ назоратчиларининг ҳиссаси катта бўлди.

Совхозда 6 та халқ контроли группаси ва жойларда 12 назорат пости иш олиб бормоқда. Бу группа ва постларнинг 100 дан ортиқ аъзоси бор.

Ҳисобот даврида назоратчилар ҳар хил масалалар бўйича 60 дан ортиқ текшириш ўтказдилар. Бу текширишлар меҳнаткашлардан тушган шикоятлар бўйича, халқ контроли группасининг иш плани асосида ўтказилиб, қатор тадбирлар амалга оширилди, иқтисод ва тежамкорлик учун кураш авж олдирилди.

Ўтган йилнинг май-июнь ойлари. Назоратчилар совхозда беда ўриш ва йиғиштиришнинг боришини кўздан кечирдилар. Бу соҳада сусткашликка йўл қўйилаётганлиги аниқланди. Зарур тадбирлар белгиланган, иш юришиб кетди.

Июль ва август ойлари. Совхознинг учинчи ва тўртинчи бўлимларида ем-хашак экинлари парвариши қандай йўлга қўйилаётганлиги назорат қилинди. 20 гектарга яқин маккажўхори, 15 гектар ердаги лавлаги, 7 гектар ердаги қовоқ экинлари чанкатиб қўйилганлиги маълум бўлиб қолди. Текшириш натижаси партия комитетида муҳокама этилди. Ишга совуққонлик билан муносабатда бўлганлиги учун бригадир Хасраев ишдан олинди. Кўрилган зарар айбдорлардан ундириб олинди.

Сентябрь. Назоратчилар кузги арпа учун ажратилган майдонларнинг ҳайдалишини кўздан кечирдилар. Бу соҳада шошма-шошарликка йўл қўйилганлиги аниқланди. Амалда 650 гектар ер ҳайдалгани ҳолда маълумотда 850 гектар кўрсатилганлиги билиниб қолди. Далада 6 та трактор ўрнига атиги 2—3 таси ишлаяпти. Тракторчилар учун яхши шароит яратиб берилмаган. Дала ишларини яхши ташкил этмаганлиги учун назоратчилар таклифи билан 5-бўлим агрономи Монтаев ва бригадир ишдан олинди.

Декабрь. Назоратчилар фермаларга рейд ўтказдилар. Аҳвол анча ташвишли, санитария қоидаларини кўпол равишда бузилишига йўл қўйилганди, согин сигирлар тўйдириб боқилмаётган экан.

Шу туфайли бир кунда 2 минг литр ўрнига 400 литр сут соғиб олинган. Масала совхоз партия комитети мажлисида муҳокама қилиниб, айбдорлар қатъий огоҳлантирилди. Совхознинг бош ветврачига ҳайфсан эълон қилинди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида доклад қилган совхоз халқ контроли группасининг раиси Ким Сергей ва музокарада сўзга чиққан ўртоқлар назоратчиларнинг ибратли ишлари ҳақида ана шундай мисолларни келтирдилар. Йиғилишда назоратчилар техника ремонти ва унинг сақланиши, пахта терими даврида техника ва ишчи кучларидан фойдаланиш, минерал ўғитларнинг сақланиши, ёқилғи материалларидан фойдаланишнинг бориши, шоли ўриш ва янчишнинг ташкил этилишини текшириб, бу соҳада ҳам камчиликларнинг олдини олиш ва резервлардан фойдаланишда маъмуриятга катта ёрдам берганликлари уқдирилди.

Ҳисобот йиғилишида назоратчиларнинг ана шу сингари яхши ишлари қайд қилиниши билан бирга камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Ҳамма соҳада ҳам назоратнинг изчиллиги тўла таъмин этилмаяпти. Текширув ишларига ишчи ва хизматчилар кам жалб этилмоқда.

Совхозда ўтган йили маккажўхори дони топшириш плани бажарилмади. Ўрим ишлари ўз вақтида ташкил этилмаганлиги туфайли ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлди. Суғориладиган ерлардан фойдаланиш талабга жавоб бермайди. Агар назоратчилар хушёрлик кўрсатганларида эди, бундай камчиликлар рўй бермаган бўлар эди.

Музокарада сўзга чиққан назоратчилар кўпгина қимматли фикрларни ўртага ташладилар. 3-бўлим партия ташкилотининг секретари А. Жумабоев етти кишидан иборат халқ контроли группаси ўтган даврда катта ишларни амалга оширганлигини қайд қилди. Бўлим бўйича 622 гектар ернинг ҳар гектаридан 28.6 центнердан ҳосил олинди. Машиналар билан 1300 тонна пахта терилди.

— Бунинг учун назоратчиларимизга ҳам миннатдорчилик билдирамиз, — деди у.—Улар авжи йиғим-терим қизғин кунларида дала ишларининг ташкил этилишини, меҳнат интизомини, техникадан фойдаланишни назорат қилиб бордилар.

Совхознинг ем-хашак экинлари бўйича агрономи Николай Ермолаев халқ назоратчиларининг масъулияти ҳақида гапирди.

— Айрим бригадаларда ем-хашак экинлари экилдию, ташлаб қўйилди, — деди у. — назоратчилар бу соҳага эътиборни кучайтиришлари керак. Совхозимизда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини комплекс ривожлантириш учун мавжуд резервлардан тўлароқ фойдаланиш лозим.

2-бўлимнинг бригада бошлиғи, актив халқ назоратчиси Д. Аминов ўз сўзини янги йилга тайёргарлик кўришда назоратчилар зиммасидаги вазифаларга бағишлади.

— Ўтган йили бригада бўйича 115 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил олинди. Лекин, бу чегара эмас, — деди Аминов. — биз янги йилда 35 центнерлик хирмон учун кураш бошладик. Бунинг учун аввало кўкламги экиш кампаниясига ҳамма нарсани шай қилиб қўйиш учун бел боғлаганмиз. Бу соҳада назоратчиларнинг ёрдами катта бўлаётир.

4-бўлимнинг бошқарувчиси Э. Тўрақулов техника ремонтини сифатли ўтказиш учун шу кунларда қандай иш қилинаётганлиги ҳақида сўзлаб берди, У. Мантаева бошлиқ халқ назоратчилари маъмурият билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Улар ремонтдан чиқарилган трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини обдон текширадилар, камчилик аниқлангундай бўлса, уни тугатиш юзасидан зарур тадбирлар белгиланади.

Нотиқ совхозда электр қувватидан тежаб-тергаб фойдаланиш масаласига тўхталиб, назоратчилар вақти-вақти билан рейд ўтказиб туришлари зарурлигини таъкидлади. Совхозда радио, телевизорларни ремонт қиладиган устахоналарнинг иши ҳам талабга жавоб бермайди. Бу соҳада ҳам назоратчиларнинг ёрдами зарур.

Ҳисобот — сайлов йиғилишида совхоз халқ контроли группасининг янги состави сайланди. Бундан кейин назоратнинг изчиллиги ва самарадорлигини янада яхшилашни таъминлашга қаратилган қарор қабул қилинди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида область халқ контроли комитети раисининг ўринбосари **Е. И. Кирилин** иштирок этди.

Н. РИХСИЕВ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛҒОРЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари ва 1973 йилда пахта, дон, сабзавот ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштириши кўпайтириш ва давлатга сотиш юзасидан қабул қилинган мажбуриятларни бажаришда меҳнатда жасорат кўрсатганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Дадажонова Шарофат — Янгийўл районидаги «Партия XXII съезди» колхози аъзоси.

Деҳқонбоева Каромат — Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Деҳқонов Тожибой — Калинин районидаги «Хасково» совхози бригада бошлиғи.

Дўстматова Гулжаҳон — Пискент районидаги 1-«Пискент» совхози ишчиси.

Елеманова Ойимгул — Оққўрғон районидаги Волков номли совхоз ишчиси.

Жабборова Қорасоч — Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз аъзоси.

Жданова Мария Андреевна — Тошкент область матлубот жамияти экономисти.

Жўраев Шодмонқул — Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз аъзоси.

Зантова Нина — Сугориш техникаси бўйича илмий-текшириш станцияси ишчиси, Калинин райони.

Зингатоев Минаҳмад Хафизович — Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози механиги.

Зияева Хабиба — Оққўрғон районидаги Султон Сегизбоев номли совхоз ишчиси.

Зиянгирова Мениса Шамиловна — Оққўрғон районидаги «Огонёк» совхози ишчиси.

Икромова Роҳат — Пискент районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Исломова Назми — Калинин районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.

Исломжонова Ҳакима — Калинин районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Исмонлова Рави — Пискент районидаги 1-«Пискент» совхози ишчиси.

Исмонлов Умид — Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институтининг тракторчиси, Оржоникидзе райони.

Исмонова Анзират — Бекобод районидаги 3-«Далварзин» совхози ишчиси.

Қобилов Эргаш — Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози механиги.

Қодирова Зулфия — Бекобод районидаги «Победа» колхози аъзоси.

Калимулина Гайша — Оққўрғон районидаги Димитров номли колхоз аъзоси.

Канаева Меҳрибон — Пискент районидаги «Гулистон» колхози аъзоси.

Қорабоев Соин — Калинин районидаги 2-«Назарбек» совхози агрономи.

Қорабоева Ойша — Оққўрғон районидаги «ЎзССР беш йиллиги» совхози ишчиси.

Қорабоева Фаима — Оққўрғон районидаги Димитров номли колхоз аъзоси.

Қорсибоев Сапар — Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхози трактор парки мудири.

Қосимов Исмоил — Оққўрғон районидаги Навоий номли колхоз механизатори.

Қаюмова Ҳалима — Янгийўл районидаги Свердлов номли совхоз ишчиси.

Калешов Аҳмад — Бўка районидаги Мичурин номли колхоз аъзоси.

Кенгашов Қаршибой — Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Кенжаева Райҳон — Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхози аъзоси.

Ким Вера — Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхози аъзоси.

Ким Ольга — Оққўрғон районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Ким Сун Гим — Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхози аъзоси.

Кипоренко Анатолий Терентьевич — Меҳнаткашлар депутатлар Янгийўл район Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг катта агрономи.

Климкин Станислав Алексеевич — Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош инженери.

Қодирқулова Ҳабиба — Пискент район Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Койнов Александр Борисович— Оққўрғон район Энгельс номли колхоз аъзоси.

Қўнисбоева Бувисора — Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхози аъзоси.

Королев Николай Максимович — Сергели авиабўлинмаси командири.

Қўлдошева Жамила — Ўрта Чирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Қулиев Мелибой — Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхози ишчиси.

Қурбоналиева Ибодат — Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз бригада бошлиғи.

Қурбонова Мария — Оққўрғон районидаги Киров номли колхоз аъзоси.

Қурмак Владимир Иванович — Чиноз районидаги «Олмазор» совхози тракторчиси.

Қўшбоев Абдали — Бекобод районидаги «Победа» колхози бош инженери.

Камол қизи Лейли — Оққўрғон районидаги «Огонёк» совхози ишчиси.

Ли Ен Чер — Ўрта Чирчиқ районидаги Калинин номли совхоз ишчиси.

Люманова Розалия — «Ўзсельхозтехника» Бекобод райони бирлашмаси бош бухгалтери.

Мадалиева Назирахон — Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози ишчиси.

Матғошова Ойниса — Чиноз районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.

Машрапова Жаҳон — Бўка районидаги Жамбул номли колхоз аъзоси.

Маматқулова Мария — Бекобод районидаги 3-«Далварзин» совхози ишчиси.

Мамедов Исоқ — Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг Ўрта Чирчиқ районидаги Киров номли ўқув-хўжалиги звено бошлиғи.

Мамедова Замира — Бўка районидаги «Кўкорол» совхози ишчиси.

Мамиров Эсонали — Пискент районидаги Ленин номли колхоз раиси ўринбосари.

Маҳмадалиева Сапобар — Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхоз аъзоси.

Мамарасулов Раҳимбой — Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз инженери.

Мираҳмедов Абдуҳамид — Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз бригада бошлиғи.

Мирзабоева Жамол — Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз бригада бошлиғи.

Мирзаев Вали — Чиноз районидаги Навоий номли колхоз пиллакори.

Мирзаев Толибжон — Ўрта Чирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз тракторчиси.

Мирзаева Сифат — Бўстонлиқ районидаги «Хўжакент» совхози ишчиси.

Мирзақулов Қаюм Бектурғонович — Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхози бош агрономи.

Мирзоҳидов Абдулла — Калинин район «Партия XXI съезди» совхози партия ташкилоти секретари.

Мирзамиев Карим — Ўзбекистон КП Бўстонлиқ район комитетининг инструктори.

Михайлова Галина Александровна — Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми ўқитувчиси.

Молодцов Иван Яковлевич — Янгийўл район комитетининг бўлим мудири.

Мўминқулова Улжарқин — Оққўрғон район Ленинизм колхози аъзоси.

Муродов Мамед — Оққўрғон район «Коммунизм» совхози ишчиси.

Мурадуллаева Солия — Бекобод район Дзержинский номли ўрта мактаб ўқувчиси.

Муратова Канпихон — Чиноз район Жамбул номли совхоз шофёри.

Мусулмонқулов Мамажон — Бекобод район «Октябрь 46 йиллиги» совхози ишчиси.

Муталхонов Асанхон — Калинин район Охунбобоев номли совхоз ишчиси.

Мян Хе Сук — Оққўрғон район «Заря коммунизма» колхози аъзоси.

Нодиршаев Кенжа — Юқори Чирчиқ район «Коммуна» колхози аъзоси.

Назиров Собир — Меҳнаткашлар депутатлари Калинин район Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Назиров Амил — Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институти «Красний водопад» экспериментал базаси тракторчиси, Оржоникидзе район.

Норбўтаева Қизларой — Бўка район «Бўка» совхози ишчиси.

Натецкая Мария Егоровна — Юқори Чирчиқ район сугориш системалари бошқармаси гидроиншоотининг регулировкачиси.

Ниёзов Турсунбой — Ўрта Чирчиқ район Куйбишев номли колхоз сувчиси.

Номоконов Петр Кондратьевич — Ўзбекистон КП Оҳангарон район комитетининг бўлим мудири.

Норова Бибиҳол — Бўка район Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Нурматов Маъмуржон Иўлдошевич — Ўзбекистон КП Янгийўл район комитетининг бўлим мудири.

Нурмонова Қизилгул — Оққўрғон райони «Ленинобод» колхози аъзоси.

Нурмуҳамедов Носир — Тошкент қишлоқ хўжалик институти кафедра мудири.

Нусиров Абдуқул — Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз бош бухгалтери.

Одилова Раҳбар — Калинин районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.

Омонов Саъдулла — Бекобод районидаги «Ленинград» совхози тракторчиси.

Орзиқов Ярашбой — Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхози сувчиси.

Орипова Мақсуда — Янгийўл район сугориш системалари бошқармаси гидротехниги.

Отамирзаева Сора — Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхози аъзоси.

Пак Бен Дюн — Калинин районидаги «Дамачи» совхози бригада бошлиғи.

Пак Елена — Бекобод районидаги «Октябрь 46 йиллиги» совхози ишчиси.

Парамузов Жумали — Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхози сувчиси.

Парпибоев Муҳаммаджон Қодирович — Ўзбекистон КП Пискент район комитети секретари.

Пирманова Несибали — Оққўрғон районидаги Вотинцев номли колхоз аъзоси.

Платонова Раиса Георгиевна — Оққўрғон районидаги «Озод» колхози аъзоси.

Полешчук Виктор Васильевич— «Ўзсельхозтехника» Оққўрғон район Қуйи Чирчиқ бўлими токари.

Порошин Владимир Иванович — Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози ишчиси.

Пўлатов Иброҳим — Пискент район қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзлари комитети раиси.

Пўлатова Петия — Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхози аъзоси.

Пўлатов Ўйғур Иўлдошевич — Журин номидаги Ўрта Осиё ирригация илмий текшириш институти бўлим мудири.

Ражабова Шараф — Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз аъзоси.

Рамбекова Маъфират — Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Расулова Хабиба — Академик Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институти директор ўринбосари, Оржоникидзе райони.

Раҳимов Маҳмуд — «Ташхимсельмаш» заводи кесувчиси.

Раҳмедова Насиба — Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Рашидов Ҳаким — Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз тракторчиси.

Рижалова Билур — Пискент районидаги 2-«Пискент» совхози ишчиси.

Рисбоев Пардабой — Бекобод районидаги «Победа» колхози раисининг ўринбосари.

Рисбекова Зарина — Оққўрғон районидаги «Ленинград» колхози аъзоси.

Рўзибоев Миртошбой — Юқори Чирчиқ районидаги «Паркент» совхози бригада бошлиғи.

Рўзимуродова Умидой — Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Рустамова Ихтибор — Оққўрғон районидаги «Коммунизм» совхози ишчиси.

Соатов Холмурот — Бекобод районидаги 4-«Далварзин» совхози бригада бошлиғи.

Собирова Тошбуви — Бўка районидаги «Партия XX съезди» колхози звено бошлиғи.

Собиров Сами — Бўка районидаги Тимирязев номли колхоз бригада бошлиғи.

Содиқов Раҳмон — Оҳангарон районидаги 3-Оҳангарон совхози агрономи.

Сандов Шеҳзод — Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози аъзоси.

Сайфиев Наврўзбой — Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз бош инженери.

Самисова Нишон — Оққўрғон районидаги Ҳамза номли колхоз аъзоси.

Санақулов Холмирза — Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг Ўрта Чирчиқ районидаги Киров номли ўқув хўжалиги тракторчиси.

Соатов Эркул — Бўка районидаги «Партия XX съезди» колхози аъзоси.

Сафаров Байли — Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози бригада бошлиғи.

Сарсенова Розия — Калинин районидаги «Хасково» совхози ишчиси.

Сафаров Абдулла — Ўзбекистон КП Калинин район комитети инструктори.

Серикбоев Исахон — Калинин район сугориш системалари бошқармаси инженери.

Сидорская Зинаида Семёновна — Пискент район сугориш системалари бошқармаси гидрометри.

Сирбоева Тилложон — Бўстонлиқ районидаги «Правда» газетаси 50 йиллиги» совхози ишчиси.

Солдатова Наталия Васильевна — Ўзбекистон КП Бўстонлиқ район комитети секретари.

Сулаймонова Лайли — Оққўрғон районидаги «Озод» колхози аъзоси.

Султонова Ойша — Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз аъзоси.

Султонова Иззат — Ўзбекистон КП Юқори Чирчиқ район комитети секретари.

Тожиқулов Алдан — Оққўрғон районидаги Волков номли совхоз тракторчиси.

Толипова Маҳбуба — Юқори Чирчиқ луб заводи ишчиси.

Тошев Тожибой — Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози тракторчиси.

Тошмуродов Исроил — Оржоникидзе районидаги «Химик» совхози ишчиси.

Тошматов Абдурашид — Оҳангарон районидаги Тошкент от заводи бригада бошлиғи.

Тошхўжаев Ҳошим — Ўрта Чирчиқ районидаги Калинин номли совхоз тракторчиси.

Тен Ольга — Бекобод районидаги «Октябрь 46 йиллиги» совхози ишчиси.

Терентьев Николай Павлович— Чорвоқ гидроэлектр станцияси машинист бульдозерчиси.

Терлецкий Исаак Вульфович — Меҳнаткашлар депутатлари, Тошкент область Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошлиғининг ўринбосари.

Тешабоева Ойсара — Юқори Чирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Товҳидова Жамила Абдаловна — Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхози аъзоси.

Тожиева Турган — Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози аъзоси.

Торгаутов Эгамберди Тожибоевич — Калинин районидаги «Москва» совхози бригада бошлиғи.

Тулепов Ўрмон — Чиноз районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси.

Туранов Усмон — Бекобод районидаги 3-«Далварзин» совхози бригада бошлиғи.

Турғунова Зулфия — Пискент районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Турғунова Саломат — Оҳангарон районидаги 1-«Оҳангарон» совхози ишчиси.

Турдиева Зебо — Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози аъзоси.

Турдиқулова Пардагул — Оҳангарон районидаги 2-Оҳангарон совхози ишчиси.

Турматов Мани — Оҳангарон районидаги Серго номли совхоз тракторчиси.

Турсунбоев Парпи — «Ўзсельхозтехника» Калинин район бирлашмаси инженери.

Турсунова Тожи — Калинин районидаги 2-«Назарбек» совхози ишчиси.

Тян Екатерина — Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхози аъзоси.

Узоқбоева Мовлуда — Ўрта Чирчиқ район пахта тайёрлаш пункти ишчиси.

Ўрозбоев Маннон — Ўрта Осиё пахтачилик илмий текшириш институти марказий эксперименталь базаси ишчиси.

Ўринбоев Ахил — Тошкент қишлоқ хўжалиги институти студенти.

Ўсаров Отақул — Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхози аъзоси.

Ўсаров Ўриш — Меҳнаткашлар депутатлари Оққўрғон район Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармаси катта экономисти.

(Давоми бор).

(Боши газетамизнинг 26, 28, 31-декабрь 1973 йил, 3 январь сонларида).

Жаҳон янгиликлари

ПАРИЖДА „МОСКВА ОҚШОМЛАРИ“

ПАРИЖ, 2 декабрь. (ТАСС). Совет циркининг артистлари Париждаги ўз гастролларини янги йил арафасида байрам кўрсатуви билан тамомладилар. Улар бир ярим ойдан кўпроқ вақт мобайнида парижликларга ва Франция пойтахтининг меҳмонларига «Москва оқшомлари» программасини кўрсатишди. Совет цирки усталарининг чиқишлари гоят катта муваффақият билан ўтди. Қариб беш минг киши сигадиган Париж спорт саройининг томоша зали ҳар куни томошабинлар билан лиқ тўлди. Совет цирки артистларининг Париждаги томошаларини ҳаммаси бўлиб 350 мингга яқин киши кўрди.

Совет артистлари Париждан сўнг Франциянинг Амьен шаҳрида бир қанча томошалар кўрсатадилар, сўнгра эса Бельгияда гастролларини бошлайдилар.

СОВЕТ КИТОБЛАРИ БАНГЛАДЕШДА

ДАККА, 2 январь. (ТАСС). Бангладеш Халқ Республикаси пойтахтида совет китобларини сотиш виставкаси очилди. Даккадаги санъат залида очилган виставкининг стендларига инглиз ва бенгал тилларида нашр этилган бадиий, ижтимоий-сиёсий, техника ва ўқув адабиётлари, шунингдек совет грампластинкалари ва маркалари қўйилган.

Виставканинг очилиш маросимида нутқ сўзлаган Бангладеш ички ва ташқи савдо министри А. Қамаруззамон бундай деди: совет мамлакати билан маданий алоқа қилиш Бангладеш маданиятини бойитибгина қолмай, социализм принципларини ўзлаштиришда ва рўёбга чиқаришда совет халқидан ўрнак олиб яшашда мамлакат халқига ёрдам ҳам беради.

РУМИНИЯДА ТУРИЗМ РИВОЖЛАНМОҚДА

БУХАРЕСТ, 2 январь. (ТАСС). 1973 йилда Руминияда уч миллионга яқин турист меҳмон бўлди. Руминиянинг етти миллион граждани мамлакатнинг тоғ этаклари ва денгиз соҳилларидаги курортларида ўз отпускаларини ўтказишди. Уларнинг кўпчилиги чет элга саёҳат қилишди.

1974 йилда Руминияда туризм янада ривожланади. Биринчи марта мамлакат бўйлаб айланма саёҳат, спортчи туристлар, овчи туристлар, отда юриш ишқибозлари учун махсус маршрутлар ташкил этилади.

Руминия туризмининг моддий базаси тўхтовсиз ривожланмоқда. Янги санаторийлар, тоғ курортлари ва меҳмонхоналари қурилмоқда. 1974 йилда Бухарестда тўртта меҳмонхона ишга тушади.

КАМБОДЖАДАГИ АҲВОЛ

ПАРИЖ, 2 январь. (ТАСС). Пномпенднд шарқ томонда, Меконг дарёсининг сўл соҳилида Камбоджа озодлик кучлари билан Пномпень режими қўшинлари ўртасида жанглар давом этмоқда. Ватанпарварлар Пномпень қўшинларининг қарши ҳужумини қайтариб, ўз позицияларини мустаҳкамладилар. Информация агентликларининг хабарларига кура, озодлик кучлари сўнгги ўн кун давомида шу райондан душманнинг пойтахт марказида жойлашган ҳарбий ва маъмурий объектларини беш марта ўққа тутдилар. Шу муносабат билан Камбоджа миллий бирлашган фронти раҳбарлиги шаҳар аҳолисига мурожаат қилиб, уларни душманнинг ҳарбий ва маъмурий объектларидан, жумладан, Лон Нолнинг «Чамкармон» қароргоҳидан узоқроқ туришга ва имкони бўлса, озод қилинган районларнинг территориясига ўтишга даъват этди. Шаҳарнинг ўзида ҳам ана шундай мазмундаги варақалар тарқатилди.

Мамлакатнинг жанубида Кампот вилоятининг Чакрейтингдаги цемент заводи ёнида жанглар бўлмоқда. Унинг территориясида қуршаб олинган Пномпень қўшинлари батальони катта талафот кўрди.

ЁНҒИН ҚУРБОНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 2 январь. (ТАСС). 1973 йилда АҚШда рўй берган ёнғинлар натижасида қариб 12 минг киши халок бўлди ва 3 миллиард долларликдан ортиқ мол-мулк қўйиб кул бўлди, деб ҳабар қилди, бу ердаги ёнғинга қарши миллий уюшма.

10 февралда Нью-Йоркда рўй берган ёнғинда энг кўп қурбон қайд қилинди. Газ тўлдирилган резервуар портлаган вақтда 40 киши ҳалок бўлди.

Лекин энг катта ёнғин 1973 йил 27 майда бўлган эди. Ёнғин натижасида босмахона, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлайдиган завод ва бир қанча йирик омбор зарар кўрди. Ёнғин 37 миллион доллар келадиган мол-мулкни йўқ қилиб ташлади.

ПОКИСТОН ҲАРБИЙ АСИРЛАРИ РЕПАТРИАЦИЯ ҚИЛИНМОҚДА

ДЕҲЛИ, 2 январь. (ТАСС). Бугун Ҳиндистондан покистонлик ҳарбий асирлар ва граждан шахсларни репатриация қилишнинг навбатдаги босқичи бошланди. Чегарадаги Вагах деган жойда 926 кишидан иборат ҳарбий асирлар ва граждан шахслар группасини Покистон томонига топшириш маросими бўлди.

ИСЛОМОБОД, 2 январь. (ТАСС). Покистон ташқи ишлар министрлиги вакилининг айтишича қараганда, 2 январдан 10 январгача Ҳиндистондан Покистонга ҳар куни ҳарбий асирлар тушган биттадан темир йўл состави келиб туради.

Ҳозирги вақтгача Ҳиндистондан 37.395 покистонлик ҳарбий асир ва граждан шахс қайтиб келди. Покистон билан Бангладеш ўртасида бир-бирларига граждан шахсларни топширишга келганда, ташқи ишлар министрлиги вакилининг айтишича, бу иш нормал давом этмоқда. Ўтган йилнинг 10 сентябридан ҳозирги вақтгача Покистондан Бангладешга 74.340 киши жўнаб кетди, булар — Покистондан чиқиб кетиш истагини билдирган жами бенгалларнинг учдан икки қисмига тўғри келади.

Социалистик Чехословакия йўлларида автомашиналар сонининг кескин ортиши уларга техника хизмати кўрсатиш тармоқларини кенгайтиришни тақозо этмоқда. Шу муносабат билан Нимбурк шаҳарида мамлакатда дастлабки ўз-ўзига хизмат кўрсатиш станцияси очилди. Бу янгиликдан шоферлар хурсанд.

ЧТК—ТАСС фотоси.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“ ГАЗЕТХОНЛАРИГА

АЗИЗ ДЎСТЛАР!

ТУҚҚИЗИНЧИ беш йилликнинг учинчи йили билан хайрлашдик. Ўтган йил ҳамма соҳаларда бениҳоя қувончли йил бўлди. КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаганидек, 1973 йил партия, совет ва хўжалик ташкилотлари учун масъулиятли имтиҳон бўлди. Бу имтиҳондан шараф билан ўтилди. Социалистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида халқимизнинг фидокорона меҳнати ўзининг ажойиб самараларини берди.

Барча совет кишилари сингари областимиз меҳнаткашлари ҳам 1973 йилда юксак натижаларга эришдилар. Улар қўлга киритган зафарлар газета саҳифаларида боснлган материалларда, Сизлар йўллаган ҳар кунги ранг-баранг хат-хабарларда ўз ифодасини топди. Сизларнинг хатларингиз умумхалқ социалистик мусобақасини кенг қулоч ёйдиришда, жойлардаги янги ташаббуслар ва янгиликларни вақтида пайқаб, газета саҳифаларида ёритишда яқиндан ёрдам берди. Турли соҳаларда ишлаётган ҳар хил касб эгаларидан олинаётган хатлар, уларда баён қилинган маслаҳат ва истаклар газета тематикасини бойитишда бизга доимо кўмакдош бўлмоқда.

Редакцияга келган хатлар айрим ташкилот ва идораларда-ги нуқсонларни бартараф этишга, кўзбўямачилар, давлат ва халқ мулкига хиёнат қилувчилар, ўз мансабини суиистеъмол этувчилар ва турмушда учрайдиган бошқа иллатларга қарши курашга қаратилган.

1974 йил беш йилликнинг зарбдор меҳнат эстафетасини қабул қилиб олди. Янги йилда олдимизда муҳим вазифалар турипти. Бу йил жонажон республикамиз ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг олтин тўйи нишонланади. Ўзбекистонимизнинг асрларга тенг 50 йиллик тарихини атрофлича ёритиш, диёримизнинг гуллаб-яшнаши учун жон фидо қилган кишилар ҳақида ёзиш — «Тошкент ҳақиқати» газетасининг шарафли бурчидир.

Жаҳонга ўрнак бўларли йўлимизни, ярим аср мобайнидаги энг муҳим воқеаларни қизиқарли факт ва далиллар, жонли мисоллар, ёркин эсдаликлар орқали кўрсатиб бериш асосий вазифамиздир. Бунда сизнинг хат-хабарларингиз, мақола, лавҳа, очерк, шеърларингиз, тарихий ҳужжат ва фотосуратлар, архив топилмаларингиз қимматли бўлади.

МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОНЛАР, ишчи ва қишлоқ мухбирлари, Сизларнинг хатларингизни кутамиз.

ҚИШ ЛАВҲАСИ

ЯНГИ йил кириши билан пойтахтимизда чинакамига қиш фасли бошланди. Устма-уст қор ёғяпти. Дов-дарахтлар, ҳиёбон-у, кўчалар ажиб либосга бурканмоқда, табиат оппоқ чойшабга ёпинмоқда. Фотомухбир И. Глауберзон олган ушбу суратда қишдан бир лавҳа акс эттирилган.

Реклама ва эълонлар

ТВ

4 ЯНВАРЬ — ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.55 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 12.30 — МОСКВА. 12.35 — Янгиликлар. 12.45 — Бадиий фильм 13.10 — Мультфильмлар. 13.40 — Оперетта рақсга таклиф этади. 14.25 — Мамлакат саноат корхоналари йўқламаси 14.55 — **Зебрани ўғирлашди** (бадиий фильм). 16.05 — Шахмат мактаби. 16.35 — Спорт ҳақида суҳбат. 17.10 — Янгиликлар. 17.20 — Концерт. 17.50 — **Лэсси** (бадиий фильмнинг 3-серияси). 18.15 — ТОШКЕНТ. 18.25 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.55 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.40 — Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари Европа хавфсизлиги учун кураш-да (Москва). 20.10 — «Ахборот». 20.25 — «Ўзбекистон чорвадори». 20.55 — «Ахборот». 21.15 — Музикали программа. 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — **Оқ бўрилар** (бадиий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.15 — МОСКВА. 18.35 — Концерт. 19.40 — Ҳужжатли фильм. 20.10 — Телефильм. 20.35 — Концерт. 20.50 — Телеспектакль. 22.00 — Мардлик — мангулик (Тошкент). 22.30 — Музикали программа. 23.30 — Телефильм. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Кинофильм. 20.25 — Тошкент шаҳар ва Тошкент области меҳнаткашлари учун телевизион программа. 20.45 — **Бахтни авайлаш керак.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 4/I да **Ерил тош** (кундузи), **Дилором** (кечқурун), 5/I да **Золушка** (кундузи), **Севги тумори** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/I да **Табассум ўғрилари** (кундузи), **Оқшомдан тушгача** (кечқурун), 5/I да **Абу Райҳон Беруний** (кундуз соат 12 ва 3 да), **Оқшомдан тушгача** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 4/I да **Замонали ва Омонали** (кундузи), **Ҳалима** (кечқурун), 5/I да **Навоий Астрободда** (кундузи), **Хонума хоним** (кечқурун).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/Iда **Ташвишланманг онажон** (кундузи), **Трибунал** (кечқурун) 5/I да **Ойдин** (кундузи), **Ташвишланманг онажон** (кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ** — (10. 00, 12.30, 15.00, 17.30 да).

КИНО

4 ЯНВАРДА

Бошсиз чавандоз (10.45, 12.30), **Қишки Англия** (14.30, 17.30, 20.15): — САНЪАТ САРОЙИ.

Жиноят қидирув бўлимининг иш кунлари — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Синган тақа — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда) ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Жиноят қидирув бўлимининг иш кунлари; Жиноят қидирув инспектори: — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (14.30, 20.30).

Қилич ва қалқон (3 ва 4 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Муҳаббат риштаси (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Аёллар ва берсальерлар — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Дайди — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Филлар — менинг дўстларим — Ғ. ҒУЛОМ номли, «КУКЧА (кундуз ва кечқурун).

Музика садолари — «МОСКВА» (11.30, 17.30).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

11 ЯНВАРГАЧА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИШКИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

Қорбобо, қорқиз ва «Олим, жоҳил хон ва қуён» эртагидаги бошқа адабий персонажлар иштирокида.

ЯНГИ ЙИЛ ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

Томошалар эрталаб соат 10, кундузи 12 ярим, 3 ва кеч 5 яримда бошланади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

„БАҲОР“ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

11 январгача

Ҳар куни 9.30, 11.30, 14.00, 16.30 минутда

ТЕАТРЛАР ВА ЦИРК АРТИСТЛАРИ ҲАМДА «БАҲОР» АНСАМБЛИ РАҚС ГРУППАСИНИНГ РАҚҚОСАЛАРИ ИШТИРОКИДА

«ЯНГИ ЙИЛ АРЧАСИ» ТОМОШАЛАРИ

„ПИСКЕНТ“ СОВХОЗИДА

ДЕҲҚОНЛАР ЎҚИМОҚДА

Совхознинг барча бригада ва участкаларида сиёсий маориф системасида янги ўқув йили катта тайёргарлик билан бошланди. Ҳозир марксизм-ленинизм асослари, сиёсий иқтисод, философия, илмий коммунизм тўгаракларида 167 коммунист ва комсомол қатнашмоқда.

Айниқса, совхоз марказида ташкил этилган илмий коммунизм тўгарагида машғулотлар намунали олиб борилмоқда. Тўгаракка В. Н. Пак раҳбарлик қилмоқда. У совхознинг етакчи пропагандистларидан. Бош агроном сифатида хўжаликнинг барча тармоқларини сердаромад соҳага айлантириш учун тинмай изланади. Коммунистларнинг сиёсий билим савиясини оширишда ҳам совхоз партия ташкилотига яқиндан ёрдам бераяпти. Саккиз жойда иқтисодий ўқув ташкил этилган. Бу тўгаракларда 216 тингловчи иқтисодий билимларни оширмоқда.

Яқин кунларда партия қурилиши асосларини ўрганиш университетида машғулотлар бошланади. Ўқув программаси 2 йилга мўлжаллаб тузилган бу университетга ўтган йили асос солинганди.

КИЧКИНТОЙЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Совхоз идорасининг ёнгинасида икки қаватли ҳашаматли бино кўзга ташланади. Бинода марказий боғча жойлашган. Ҳозир унинг бағрида қишлоқ меҳнаткашларининг юздан ортиқ болалари тарбияланмоқда. Бу ерда кичкинтойларни жонидан севиб, уларни ардоқлайдиган тарбиячилар меҳнат қилади. Кашифа Маҳкамова, Дилором Йўлдошева, Валентина Погореловалар ҳар бир ўғилқизга меҳрибонлик қилиб, уларнинг соғлом ўсишлари учун сидқидилдан қайғурадилар.

— Қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш даражаси кун сайин ўсиб бормоқда,— дейди боғча мудираси Ҳалима Ғозиева.— Ҳар йили кўплаб маиший-маданий бинолар, болалар муассасалари бунёд этилаяпти. Боғчамиз ишга туширилганига уч йил бўлди. Мана, ҳозир совхознинг 4-бўлимида 100 кичкинтойга мосланган янги боғча қурилмоқда. Бу партия ва ҳукуматимиз қишлоқ аҳолисига кўрсатаётган ғамхўрлигининг ёрқин намунасидир.

И. ЮСУПОВ,
1-«Пискент» совхози.

ЯНГИ шеърлар

ҚОР ЁҒАР

Қор ёғар, қор ёғар, оппоқ қор.
Ўйлайман: «Қорда кўп ҳикмат бор.
Биз эдик бу қорга интизор,
Бугун у бизларга бўлди ёр...».
Қор ёғар, қор ёғар буралиб,
Шамолга арқондай ўралиб,
Томоша қиламан танг қолиб,
Қадамим сустлашиб, судралиб...
Оппоқ қор томлардан сирғалар,
Шўх, қувнок қушлардек ўйнағалар,
Қалбимга ғалати куй солар,
Она ер мириқиб дам олар...
Қор ёғар осмондан оҳиста,
Оҳиста қўнишга ҳўп уста,
Қор асли заминга гулдаста,
Борлиқни айлайди ораста,
Осмондан қор тушар ўйноқлаб,
Самонинг неклигин қучоқлаб,
Деҳқоннинг номини сўроқлаб,
Деҳқоннинг меҳнатин ардоқлаб...

О. ҲУСАНОВ.

ЎҚИТУВЧИМ

Кўзим оқу-қораси — меҳрибон ўқитувчим,
Кўнгил боғни лоласи — жонажон ўқитувчим.
Номингни қалб тўрида ардоқлайман, асрайман,
Хизматингни эъзозлар кенг жаҳон, ўқитувчим!
Қалбингдаги меҳрингни чеҳранг қилар намойиш,
Бу меҳр чашмасидан диллар топар оройиш.
Жонингни фидо айлаб берасан одоб, таълим,
Шогирдларга ҳар сўзинг эрур қонун, фармойиш.
Ўгитинг жонга дармон, сўзларинг малҳам, болдир,
Катта-кичик барчага тилагининг иқболдир.
Кўнглингда ғуборинг йўқ, бу юртда армоннинг йўқ,
Касбингни шарафламоқ — виждонни бурчинг бордир —
Эй устоз ўқитувчим!
Келар сенга ҳаваси.
Бир умрга олдингда гарданда бордир қарзим,
Умрингдан баракА топ, жафокаш, мард инсонсан,
Сенга минг бора таҳсин, сенга юракдан таъзим!

Абдуманноб ТОЖИЕВ.

ДЎСТЛАРДАН ИЛТИМОС

Бир умрга учрашмоқ асли,
Ҳеч кимга ҳам қилмайди
насиб.
Қадрланар одамзод насли —
Бир бирига бўлса муносиб!
Дўстмиз, ёрмиз,
маҳалладошмиз.
Ишхонада хонадошмиз ҳам.
Гоҳо йироқ, гоҳо сирдошмиз, —
Шундай яшаб улгаяр одам!
Бўлолмасам даврангизда гоҳ,
Бир пиёла бўш турсин, майли.
Қалбим билан эмасман йироқ,
Даврангизга меҳрим туфайли!
Қадаҳларда май қуюлган чоғ.
Мен учун ҳам қўйинг бир
ҳўплам.
Олислардан тиларман равноқ,
Гул даврага мангулик кўклам!
Руҳим билан борурман холис,
Сафингизга ўша чоғда шод.
Шунда сиздан бўлмасман
олис, —
Ширин давом этади ҳаёт!..

ДИЛЛАР

Фасллар деймизу, аслида улар
Одамлар қалбидан туғилиб
яшар.
Бирининг кўзида ҳаёт шўх
кулар,
Бирига тор эрур улкан бу
башар.
Бири кипригида сақласа кузни,
Бири қовоқ уяр — кўнглида
қиш бор.
Бирининг кулгуси эслатса ёзни,
Бирининг лабида мангулик
баҳор!
Баҳор уя қурган дилларга
балли,
Уларнинг гапидан анқир гул
ҳиди.
Уларнинг кўнглидан нур каби
баҳор
Оламга ёйилиб кетади худди!
Баҳор уя қурган дилларга
балли!

ТУЛҚИН.

БОЛАЛАР БОҒИ

Пойтахтнинг Куйбишев районида янги болалар боғи барпо этишга қарор қилинди. Бу боғда 2-«Шимоли-Шарқ» ва «Високовольт» массивларининг кичкинтойлари мириқиб дам олишади, турли тўгаракларда шуғулланишади.

Янги боғ лойиҳаси Тошкент шаҳар ижроия комитетининг Бош архитектура-планлаштириш бошқармасида ишлаб чиқилди. Айни кунларда ишчи чизмалари тайёрланиб, боғ қурилишини бошлаб юборишга ҳозирлик кўрилмоқда.

Янги боққа Совет Иттифоқи Қаҳрамони пионер В. Котик номи берилди.

ҚУЛАЙ ВА ҚЎРКАМ

«Желдорпроект» лойиҳалаш институтининг архитектор ва инженер-техник ходимлари Ўрта Осиё темир йўл бошқармасига қарашли ҳисоблаш муассасасининг янги биноси лойиҳасини чизиб бўлдилар. Ҳисоблаш муассасасида Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси йўлларида юк ташиш, йўловчилар оқими, поездлар ҳаракатига доир ҳисоб-китоб ишлари бажарилади.

Тўрт қаватли бу бино Тошкент санъат музейи яқинида барпо этилади. Бино, барча қулайликларга эга бўлади, 200 дан ортиқ малакали техникнинг ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

С. САИДАЛИЕВ.

„ГЎЗАЛ“ АНСАМБЛИ

Янги йил санъат шинавандаларига янги туҳфа билан келди. Тошкент Давлат консерваториясини битириб чиққан истеъдодли ёшлардан янги ансамбль тузилди. Бу ансамбль «Гўзал» деган ном олиб, янги йил арафасида кўриқдан муваффақиятли ўтди.

Свердлов номли концерт залида ўтказилган бу кўрикда ансамбль иштирокчилари ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқлари ҳамда жозибали рақслари билан санъат мухлисларининг олқишига сазовор бўлдилар. Энди республикамизнинг юбилей йилида Ўзбек давлат филармониясининг «Лазги», «Шодлик» ансамбллари қаторига яна бир ёшлар ансамбли — «Гўзал» ҳам қўшилди. Ансамлга ёш композитор Мирсодиқ Тожиев бадиий раҳбар қилиб тайинланди.

«Гўзал» ансамблининг коллективида истеъдодли ёшлар кўп. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти Гулшод Отабоева, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлардан Қизларжон Дўстмуҳамедова, Баҳром Мавлонов, турли фестивалларнинг лауреатлари Равшан Акбарбеков, Шуҳрат Йўлдошев, Тоҳир Собиров, Гулшан Ҳасановалар ҳам мазкур ансамблда иштирок этадилар.

Ансамбль программасида жаҳон халқларининг қўшиқ ва рақслари муҳим ўринни эгаллайди. Улар ўз репертуарларини янада бойитиб, санъат шинавандаларимиз олқишига сазовор бўлишига, халқимиз умидини оқлашига ишончимиз комил.

Т. ЮСУПОВ.

«Гўзал» ансамбли концертларни санъат шайдолари томонидан қизиқиш билан томоша қилинмоқда. Суратда: республикада хизмат кўрсатган артист Баҳром Мавлонов халқ чолғу ансамбли жўрлигида қўшиқ ижро этмоқда.
Юқорида (ўнгда). севимли қўшиқчи Дилшод Отабоева ҳамда Гулшан Ҳасановалар.
М. Нуриддинов фотолари.

ҚУРУВЧИЛАР ТОРТИҒИ

3-қурилиш трести коллективи янги йил арафасида «Қўйлиқ» массивида истиқомат қилаётган меҳнаткашларнинг фарзандларига бирйўла иккита болалар комбинатини совға қилди. Комбинатларнинг ҳар бири 280 ўринли бўлиб, кичкинтойларнинг тарбия олиши, қувнаб ўйнаши учун барча шароитлар яратиб берилган.

Болалар комбинатлари янги мебеллар, ўйинчоқлар, методик қўлланмалар билан тўла жиҳозланди. Яқиндан бошлаб комбинатларда болаларнинг қувноқ овози жаранглай боқ-лайди.

М. РАҲИМОВА.

Спорт

УЧ УЧРАШУВДА ОЛТИ ОЧКО

Ёш хоккейчиларнинг Ленинградда ўтаётган ҳалқаро турнирида уч учрашувда олти очко олган СССР терма командаси биринчи ўринда келаяпти.

Хоккейчиларимиз биринчи учрашувда Чехословакия спортчилари билан мусобақалашиб, 3:2 ҳисобида ғалабага эришган эдилар. Кейинги учрашувларда СССР терма командаси аъзолари яна ҳам активлик билан ўйнаб, Швеция терма командасини, сўнг эса Финляндия терма командасини мағлубиятга учратдилар.

6 январда йигитларимиз Канада хоккейчилари билан учрашадилар.

«ЖАҲОН КУБОГИ» МОСКВАЛИКЛАРДА

«Жаҳон кубоги» учун ўтказилган хоккейчилар мусобақаси ниҳоясига етди. Москва терма командаси коллективи жаҳон турнирининг сўнгги мусобақасида Колорадо—Сирингс шаҳрида Америка командаси билан ўйнаб 9:1 ҳисобида ғалабага эришди ва «Жаҳон кубоги»ни қўлга киритди.

Энди совет хоккейчилари Калифорния штатига йўл оладилар. Улар бу ерда иккинчи лигада ўйнаётган Америка командаси билан учрашадилар.

БУТУНИТТИФОҚ РЕКОРДИ

Олмаотада ўтаётган Иттифоқ конькичилари мусобақасида Красноярск шаҳридан келган спортчи студент Александр Владимиров янги йилда биринчи Бутуниттифоқ рекордини қўйди. У 5 минг метр масофани 7 минуту 26,86 секундда боснб ўтиб, бу муваффақиятга эришди.

ШАХМАТЧИ АЁЛЛАР БАҲСИ

Тбилиси шаҳрида шахматчи аёлларнинг СССР чемпионати давом этмоқда. Ҳозир 11 имкониятдан 9 очко тўплаган Козловская биринчи ўринда келмоқда. У кейинги партияда Фомина билан учрашиб, яна бир муваффақиятга эришди.

Тажрибали шахматчи Нона Гаприндашвили эса Козловская билан изма-из келаяпти. Кейинги учрашувда Гаприндашвили Любарская билан учрашиб, дуранг натижага эришди. Шахматчилар яна саккиз турдан сўнг мусобақага якун ясайдилар.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 ўй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — В36495. Редактор ўринбосарлари — В35885, В37916. Масъул секретарь — В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — В31936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — В33786. Партия турмуши, ахборот ва спорт бўлимлари — В35811. Қишлоқ хўжалиги, фан мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — В39050. Совет қурилиши маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — В37045, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — В34048. Эълонлар бўлими — В38142, Коммутатор — В30249 дан В30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

А—2463.
Индекс 64634.
Р—02107.